# I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 361 858,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-сентябри билан таққослаганда 5,7 % га ўсди. ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг январь-сентябридаги нархларга нисбатан 118,0 фоизни ташкил этди.

***ЯИМ*** *- иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ 10 805 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 % га юқоридир.

**Январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМни ишлаб чиқариш**

| | *Млрд. сўм* | | *Физик ҳажм индекси, % да* | *ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, % да* |
|---|---|---|---|---|
| | *2018 йил* | *2019 йил* | | |
| **ЯИМ - жами** | **290 161,9** | **361 858,4** | **105,7** | **5,7** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **256 716,4** | **329 091,0** | **105,7** | **5,0** |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 80 331,3 | 92 186,7 | 102,4 | 0,6 |
| саноат | 65 351,2 | 96 227,9 | 107,0 | 1,6 |
| қурилиш | 16 677,7 | 22 561,0 | 119,3 | 1,1 |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 19 496,9 | 23 094,3 | 104,1 | 0,3 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 22 185,4 | 25 834,5 | 105,7 | 0,4 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 52 673,9 | 69 186,6 | 105,3 | 1,0 |
| **Маҳсулотларга соф солиқлар** | **33 445,5** | **32 767,4** | **105,6** | **0,7** |

Ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда ЯИМ (ЯҚҚ) тармоқлари таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг улуши 31,3 % дан 28,0 % га ҳамда хизматлар соҳаси улуши 36,8 % дан 35,9 % га камайган бир вақтда, саноатнинг улуши 25,4 % дан 29,2 % га, қурилишнинг улуши 6,5 % дан 6,9 % га ўсди.

**Январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*

***2018 йил***




***2019 йил***



2019 йил январь-сентябрь ойларидаги иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 90,9 % ини ташкил этди ва 5,7 % га ўсди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 5,0 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 9,1 % ни ташкил этди ва 5,6 % даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлоқ ўсишига таъсири 0,7 ф.п.).

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**
*(2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан % да)*




2019 йилнинг январь-сентябри якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 2,4 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,6 ф.п. ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ижобий ўсиш деҳқончиликда 2,4 % га ва чорвачиликда 2,5 % га ўсиш ҳисобига таъминланди.

Саноат тармоғининг қўшилган қийматида 7,0 % га ўсиш қайд этилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМ мутлоқ ўсиш суръатига ижобий таъсири 1,6 ф.п. ташкил қилди. Мазкур тармоқдаги ижобий динамика тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғи қўшилган қийматининг 1,9 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат тармоғи қўшилган қийматининг 8,9 % га ва бошқа саноат тармоқларининг 1,6 % га ўсиши ҳисобига таъминланди.

## Январь–сентябрь ойларида
## саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби

| | *Млрд. сўм* | | *Физик ҳажм индекси, % да* |
|---|---|---|---|
| | *2018 йил* | *2019 йил* | |
| **Саноат** | **65 351,2** | **96 227,9** | **107,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш | 14 692,9 | 21 369,9 | 101,9 |
| ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат | 46 503,6 | 68 071,0 | 108,9 |
| саноатнинг бошқа тармоқлари | 4 154,7 | 6 787,0 | 101,6 |

## Январь-сентябрь ойларида
## саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
*(жамига нисбатан % да)*







**Тоғ - кон саноати ва очиқ конларни ишлаш**
**Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат**
**Саноатнинг бошқа тармоқлари**

2019 йилнинг январь-сентябри якунлари бўйича, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноати қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш металлургия ва металлни қайта ишлаш саноатига (машина ва ускуналардан ташқари) тўғри келди ва 34,8 % ни ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши 14,8 %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 13,8 %, резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал махсулотлар ишлаб чиқариш – 10,5 %, кимё махсулотлари ишлаб чиқариш – 7,8 %, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ҳамда бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш – 5,7 %, электр ускуналар ишлаб чиқариш – 2,5 %, кокс ва нефтни қайта ишлаш махсулотлари ишлаб чиқариш – 2,3 % ҳамда ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатининг бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 7,8 % ни ташкил қилди.

**Январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат ялпи қўшилган қийматининг таркиби**

*(жамига нисбатан % да)*

| | *2018 йил* | *2019 йил* |
|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат - жами** | **100,0** | **100,0** |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 15,9 | 14,8 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли махсулотлар ишлаб чиқариш | 15,2 | 13,8 |
| Ёғоч ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш; ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 2,5 | 2,0 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1,8 | 2,3 |
| Кимё махсулотлари ишлаб чиқариш | 9,2 | 7,8 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 1,2 | 1,1 |
| Резина, пластмасса буюмлар ва бошқа нометалл минерал махсулотлар ишлаб чиқариш | 12,4 | 10,5 |

| | *2018 йил* | *2019 йил* |
|---|---|---|
| Металлургия ва металлни қайта ишлаш саноати (машина ва ускуналардан ташқари) | 27,8 | 34,8 |
| Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,7 | 0,6 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 2,5 | 2,5 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш | 2,1 | 1,4 |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш | 5,7 | 5,7 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш; машина ва ускуналарни таъмирлаш ҳамда ўрнатиш | 3,0 | 2,7 |

Турар жой мажмуаларини, ижтимоий соҳа ва муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, шунингдек, саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 19,3 фоизга ўсди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишидаги ижобий ҳиссаси 1,1 ф.п.ни ташкил қилган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 118 115,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,2 % га ўсди (ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси 1,7 ф.п. ни ташкил этди). Шундан, савдо хизматлари (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) 3,9 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 6,1% га, ташиш ва сақлаш 5,0 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 8,2 % га ва хизматлар соҳасининг бошқа тармоқлари 5,3 % га ўсди.

## Январь-сентябрь ойларида савдо тармоғининг (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) қўшилган қиймати таркиби

*(жамига нисбатан % да)*




Савдо (автотранспорт воситаларини таъмирлашни қўшган ҳолда) тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуш чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) га тўғри келди ва 68,0 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари) нинг улуши 25,9 % ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлаш 6,1 % ни ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуш автомобиль транспортига тўғри келди ва 53,9 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 18,0 %, темир йўл транспортининг улуши 11,3 %, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 10,1 % ва ҳаво транспортининг улуши 6,7 % ни ташкил этди.

## Январь-сентябрь ойларида ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркиби

*(жамига нисбатан % да)*




## 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси

*(жамига нисбатан % да)*



2019 йил январь-сентябрь ойларида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 188 182,7 млрд. сўм миқдоридаги қўшилган қиймат ёки иқтисодиётда яратилган жами қўшилган қийматнинг 57,2 фоизи яратилди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қийматда кичик тадбиркорлик (бизнес) нинг улуши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 99,1 фоиз, қурилишда 77,9 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида 40,9 фоиз ва саноатда 32,2 фоизни ташкил этди.

**2019 йилнинг январь–сентябрь ойларида ЯИМ иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши**

*(ЯҚҚга нисбатан % да)*



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМ дефлятори индекси 2018 йилнинг мос давридаги нархларга нисбатан 118,0 % ни ташкил этди. ЯИМ дефлятори индексининг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида (137,6 %) ва бошқа хизмат тармоқларида (124,7 %) қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (112,1 %), қурилишда (113,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (113,8 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада (110,1 %) ва маҳсулотларга соф солиқларда (92,8 %) кузатилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси**

*(2018 йилнинг январь-сентябрига нисбатан % да)*



## 2019 йил январь-сентябрь ойлари учун ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот

| | *ЯИМ (ЯҲМ)* | | *Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръатлари, % да* | *минг сўм* | *ўсиш суръатлари, % да* |
| **Ўзбекистон Республикаси [1)]** | **361 858,4** | **105,7** | **10 805,0** | **103,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 12 834,8 | 106,0 | 6 827,7 | 104,4 |
| *вилоятлар:* | | | | |
| Андижон | 22 963,7 | 106,9 | 7 435,2 | 104,9 |
| Бухоро | 19 120,3 | 104,3 | 10 034,8 | 102,7 |
| Жиззах | 10 377,9 | 105,1 | 7 611,8 | 103,0 |
| Қашқадарё | 26 309,0 | 102,8 | 8 127,1 | 100,7 |
| Навоий | 24 958,5 | 104,0 | 25 312,9 | 102,2 |
| Наманган | 16 506,6 | 107,2 | 5 950,0 | 105,1 |
| Самарқанд | 27 324,6 | 104,5 | 7 138,1 | 102,3 |
| Сурхондарё | 16 041,9 | 105,8 | 6 191,2 | 103,5 |
| Сирдарё | 7 595,7 | 103,8 | 9 088,0 | 101,9 |
| Тошкент | 36 478,5 | 107,3 | 12 517,9 | 105,8 |
| Фарғона | 23 724,8 | 106,1 | 6 398,1 | 104,2 |
| Хоразм | 13 569,4 | 106,6 | 7 350,7 | 104,9 |
| Тошкент ш. | 50 834,6 | 108,2 | 20 073,7 | 106,0 |

***Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)*** *– миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

[1)] *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

Республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 14,0 % улуш билан энг катта ҳисса қўшди. Тошкент вилояти 10,1 % ва Самарқанд вилояти 7,6 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМни шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (2,1 %), Жиззах (2,9 %), Хоразм вилоятларига (3,7 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасига (3,5 %) тўғри келмоқда.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида**
**ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки**
*(ЯИМга нисбатан % да)*



2019 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича, Тошкент шаҳри (108,2 %), Тошкент (107,3), Наманган (107,2 %), Андижон (106,9 %), Хоразм (106,6 %) ва Фарғона (106,1 %) вилоятларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Республика даражасига (105,7 %) нисбатан паст ўсиш суръатлари Қашқадарё (102,8 %), Сирдарё (103,8 %) ва Навоий (104,0 %) вилоятларида кузатилди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида**

**ЯҲМ ва аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари**

*(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)*



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида **Қорақалпоғистон Республикаси** ЯҲМ ҳажми 6,0 % га ўсди ва 12 834,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги - 103,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 23,5 %), саноат - 102,5 % (31,1 %), қурилиш - 128,0 % (9,8 %), хизматлар соҳаси - 106,3 % (35,6 %) каби ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6 827,7 минг сўмни ташкил этди ва 4,4 % га ўсди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 10 281.7 | 12 834,8 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 9 422,1 | 11 519,5 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 389,4 | 2 712,2 |
| Саноат | 3 153,8 | 3 582,4 |
| Қурилиш | 719,7 | 1 131,4 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 549,2 | 640,9 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 671,5 | 756,0 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 1 938,5 | 2 696,6 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 859,6 | 1 315,3 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Андижон вилоятида** ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 22 963,7 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда 6,9 % га ўсди. Иқтисодий ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 45,0 %), саноатда - 118,7 % (21,5 %), қурилишда - 107,5 % (5,6 %), хизматлар соҳасида - 105,0 % (27,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари натижасида таъминланди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 7 435,2 минг сўмни ташкил этди ва 4,9 % га ўсди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 17 527,5 | 22 963,7 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 17 120,9 | 22 233,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 7 926,2 | 9 996,8 |
| Саноат | 3 369,7 | 4 790,4 |
| Қурилиш | 934,2 | 1 244,3 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 231,0 | 1 445,5 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 1 109,2 | 1 215,6 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 2 550,6 | 3 541,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 406,6 | 730,0 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Бухоро вилоятида** ЯҲМ 19 120,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 4,3 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 100,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 44,2 %), саноатда - 105,9 % (19,0 %), қурилишда - 117,5 % (8,5 %), хизматлар соҳасида - 106,2 % (28,3 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,7 % га ўсди ва 10 034,8 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 15 068,4 | 19 120,3 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 14 087,2 | 17 509,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 7 190,3 | 7 734,6 |
| Саноат | 1 795,8 | 3 322,5 |
| Қурилиш | 1 195,7 | 1 484,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 065,1 | 1 257,6 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 951,6 | 1 072,1 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 1 888,7 | 2 637,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 981,2 | 1 610,9 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Жиззах вилоятида** ЯҲМ ҳажми 5,1 % га ўсди ва 10 377,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқ таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 102,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 54,3 %), саноатда - 104,1 % (10,8 %), қурилишда - 124,8 % (7,5 %), хизматлар соҳасида - 105,6 % (27,4 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 7 611,8 минг сўмни ташкил этди ва 3,0 % га ўсди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 8 186,6 | 10 377,9 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 7 937,1 | 9 874,2 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4 577,3 | 5 358,1 |
| Саноат | 714,1 | 1 071,1 |
| Қурилиш | 545,7 | 742,5 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 568,6 | 665,0 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 368,1 | 402,9 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 1 163,3 | 1 634,6 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 249,5 | 503,7 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Қашқадарё вилояти** ЯҲМ ҳажми 26 309,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 2,8 % ни ташкил этди. Иқтисодиётнинг қуйидаги асосий тармоқларида ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида - 103,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши 37,7 %), қурилишда - 112,4 % (6,1 %), хизматлар соҳасида - 107,7 % (26,2 %). Шунингдек, ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг солиштирма нархларда камайиши кузатилди ва 95,3 % ни ташкил этди (мазкур тармоқнинг ЯҲМ таркибидаги улуши - 30,0 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 0,7 % га ошди ва 8 127,1 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 19 973,8 | 26 309,0 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 18 912,4 | 24 391,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 7 895,9 | 9 203,4 |
| Саноат | 5 011,9 | 7 315,2 |
| Қурилиш | 1 164,4 | 1 490,3 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 126,4 | 1 344,5 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 938,6 | 1 098,7 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 2 775,2 | 3 939,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 1 061,4 | 1 917,1 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Навоий вилояти** ЯҲМ ҳажми 24 958,5 млрд. сўмга етди ва ўсиш 104,0 % ни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши худуд иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 102,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 16,7 %), саноатда - 101,9 % (65,9 %), қурилишда - 132,6 % (4,6 %), хизматлар соҳасида - 105,1 % ни (12,8 %) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2,2 % га ўсди ва 25 312,9 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**
*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 15 389,9 | 24 958,5 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 14 851,4 | 24 105,5 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 3 464,6 | 4 023,4 |
| Саноат | 8 275,4 | 15 883,9 |
| Қурилиш | 696,1 | 1 117,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 684,2 | 816,6 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 465,9 | 506,4 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 1 265,2 | 1 757,4 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 538,5 | 853,0 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**
*(жамига нисбатан фоизда)*



**Наманган вилоятида** ЯҲМ 16 506,6 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг январь-сентябрь ойлари маълумотларига нисбатан 7,2 % га кўпдир. ЯҲМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 44,8 %), саноатда - 114,4 % (14,5 %), қурилишда - 135,8 % (6,8 %) ва хизматлар соҳасида - 105,4 % (33,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 5,1 % га ўсди ва 5 950,0 минг сўмни ташкил этди.




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 12 624,4 | 16 506,6 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 12 293,6 | 15 839,1 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 5 833,3 | 7 097,0 |
| Саноат | 1 569,7 | 2 302,9 |
| Қурилиш | 733,7 | 1 083,8 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 971,8 | 1 141,1 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 780,7 | 865,8 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 2 404,4 | 3 348,5 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 330,8 | 667,5 |



**Самарқанд вилоятида** ЯҲМ ҳажми 27 324,6 млрд. сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати 4,5 % га етди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида -100,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 47,5 %), саноатда - 109,2 % (15,7 %), қурилишда - 125,7 % (5,5 %), хизматлар соҳасида - 105,1 % (31,3 %) ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2,3 % га ўсди ва 7 138,1 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 22 629,0 | 27 324,6 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 22 236,2 | 26 547,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 11 387,0 | 12 618,1 |
| Саноат | 3 298,6 | 4 169,8 |
| Қурилиш | 1 077,6 | 1 465,4 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 432,2 | 1 712,1 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 1 548,5 | 1 719,1 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 3 492,3 | 4 862,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 392,8 | 777,3 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Сурхондарё вилоятида** ЯҲМ 5,8 % га ўсди ва 16 041,9 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига таъсир қилувчи омиллар бўлиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,4 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 52,0 %), саноатда -107,6 % (6,8 %), қурилишда - 123,0 % (8,6 %), хизматлар соҳасида - 105,4 % (32,6 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари хизмат қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 6 191,2 минг сўмни ташкил этди ва 3,5 % га ўсди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 12 949,1 | 16 041,9 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 12 596,9 | 15 368,7 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 6 951,2 | 7 986,6 |
| Саноат | 776,4 | 1 046,2 |
| Қурилиш | 948,7 | 1 315,6 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 243,7 | 1 464,8 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 622,4 | 684,8 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 2 054,5 | 2 870,7 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 352,2 | 673,2 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Сирдарё вилоятида** ЯҲМ ҳажми 7 595,7 млрд. сўмга етди ва ўсиш 3,8 % ни ташкил этди. Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Хусусан, ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 100,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 42,7 %), саноатда 101,5 % (25,2 %), қурилишда 124,6 % (7,1 %), хизматлар соҳасида 106,7 % (25,0 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми 9 088,0 минг сўмни ташкил этди ва 1,9 % га ўсди.




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 5 705,7 | 7 595,7 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 5 420,3 | 6 995,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 604,8 | 2 990,0 |
| Саноат | 1 142,3 | 1 763,4 |
| Қурилиш | 327,2 | 497,9 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 302,2 | 362,6 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 252,8 | 274,6 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 791,0 | 1 106,8 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 285,4 | 600,4 |



**Тошкент вилоятида** ЯҲМ 7,3 % га ўсган ҳолда 36 478,5 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши худуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Жумладан: қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 102,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 25,2 %), саноатда - 109,0 % (47,3 %), қурилишда - 141,5 % (4,4 %), хизматлар соҳасида - 104,6 % (23,1 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 5,8 % га ўсди ва 12 517,9 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 27 352,6 | 36 478,5 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 25 743,1 | 33 851,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 7 586,4 | 8 525,9 |
| Саноат | 11 085,9 | 16 014,8 |
| Қурилиш | 877,3 | 1 483,6 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 788,6 | 2 119,3 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 1 506,7 | 1 708,7 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 2 898,2 | 3 999,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 1 609,5 | 2 627,1 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Фарғона вилоятида** ЯҲМ ҳажми 6,1 % га ўсди ва 23 724,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,9 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 35,0 %), саноатда - 106,5 % (24,5 %), қурилишда -125,7 % (6,3 %), хизматлар соҳасида - 105,0 % (34,2 %) ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6 398,1 минг сўмни ташкил этди ва 4,2 % га ўсди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 18 500,1 | 23 724,8 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 17 573,3 | 22 467,4 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 7 163,2 | 7 862,4 |
| Саноат | 3 451,5 | 5 514,2 |
| Қурилиш | 962,8 | 1 412,7 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1 437,7 | 1 693,9 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 1 250,9 | 1 392,9 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 3 307,2 | 4 591,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 926,8 | 1 257,4 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Хоразм вилоятида** ЯҲМ 6,6 % га ўсди ва 13 569,4 млрд. сўмни ташкил қилди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 103,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 46,8 %), саноатда -112,0 % (15,3 %), қурилишда - 123,1 % (6,8 %), хизматлар соҳасида - 106,6 % (31,1 %) кузатилган ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 4,9 % га ўсди ва 7 305,7 минг сўмни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 10 812,7 | 13 569,4 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 10 477,0 | 12 993,3 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 5 361,8 | 6 078,2 |
| Саноат | 1 360,1 | 1 984,9 |
| Қурилиш | 637,7 | 882,6 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 610,9 | 751,2 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 708,6 | 780,5 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 1 797,9 | 2 515,9 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 335,7 | 576,1 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



**Тошкент шаҳрида** ЯҲМ 50 834,6 млрд. сўмни ташкил этди, бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 8,2 % га кўпдир. ЯҲМ ўсишининг асосий омиллари бўлиб, саноат - 107,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши - 33,2 %), қурилиш - 132,0 % (11,3 %), хизматлар соҳасидаги - 105,0 % (55,5 %) ижобий ўсиш суръатлари ҳисобланади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 6,0 % га ўсди ва 20 073,7 минг сўмга етди.

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг ўсиш суръатлари**

*(2018 йил январь-сентябрига нисбатан фоизда)*




| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
|---|---|---|
| ЯҲМ, млрд.сўм | 39 432,5 | 50 834,6 |
| шу жумладан: | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 35 482,0 | 44 177,0 |
| Саноат | 11 771,5 | 14 657,1 |
| Қурилиш | 3 420,6 | 4 987,1 |
| Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 6 485,3 | 7 669,4 |
| Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 5 571,9 | 6 201,2 |
| Бошқа хизмат тармоқлари | 8 232,7 | 10 662,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 3 950,5 | 6 657,6 |

**2019 йил январь-сентябрида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби**

*(жамига нисбатан фоизда)*



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МҲТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудуддида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

**Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)** муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

**Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)** ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

**Маҳсулотлар учун солиқлар** – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

**Маҳсулотлар учун субсидиялар** – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

**Маҳсулотлар учун соф солиқлар** маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айириш орқали аниқланади.

**ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.

**ЯИМ дефлятор индекси** – иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.